

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КАДИРОВА ХАДИЧА ТУРАЕВНА

ЎЗБЕКИСТОН МОЛИЯ БОЗОРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ
(Наманган вилояти мисолида)

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (Doctor of Science)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor (Doctor of Science)
on economic sciences**

Кадилова Хадича Тураевна

Ўзбекистонда молия бозорини ривожлантиришнинг концептуал
асослари (Наманган вилояти мисолида)..... 3

Кадилова Хадича Тураевна

Концептуальные основы развития финансового рынка Узбекистана
(на примере Наманганской области)..... 31

Kadirova Khadicha Turaevna

Conceptual foundations of the development of the financial market
of Uzbekistan (on the example of the Namangan region) 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 64

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КАДИРОВА ХАДИЧА ТУРАЕВНА

ЎЗБЕКИСТОН МОЛИЯ БОЗОРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ
(Наманган вилояти мисолида)

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан B2020.2(DSc)/Iqt235 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига(www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Жумаев Нодир Хосиятович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Гулямов Саидахрор Саидахмедович иқтисодиёт фанлари доктори, академик Сатторов Одилжон Бердимуратович иқтисодиёт фанлари доктори, доцент Урмонов Жаҳонгир Жалолиддинович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Г.В.Плеханов номли Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-01-49, (99871) 239-43-51. e-mail: tdu@tsue.uz

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй, Тел: (99871) 239-28-72; 239-01-49. факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdu@tsue.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

К.Б. Аҳмеджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, и.ф.д., профессор

Б.Т. Бердияров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

С.К. Худойқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги юз йилликда инсониятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти молиявий муносабатларнинг жаҳон хўжалиги ва миллий иқтисодиётдаги ўрни интенсив равишда кучайиб бориши билан ифодаланмоқда. Бугунги кунга келиб, бир неча мамлакатлар ўртасида молия бозорининг салмоғли улуши тақсимланган. Булар орасида энг катталари «АҚШ (40 %), Япония (8 %), Хитой (7 %), Гонгконг (7 %), Буюк Британия (4 %), Франция (3 %), Германия (3 %)»¹ сингари дунёнинг энг қудратли мамлакатлари ўрин олган. Жаҳон иқтисодий ҳаётидаги энг кучли силкиниш ва инқирозлар эса молия бозорлари фаолиятидаги номутаносибликлар билан бевосита боғлиқ. Шу нуқтаи назардан молия бозори ҳаракатланиши, уни ташкил этиш ва тартибга солиш барча мамлакатларда ўта муҳим вазифа сифатида қаралмоқда. Молия бозори иқтисодий ўсишни молиялаштириш, тармоқлараро капитал оқимлари, макроиқтисодий мувозанатга эришиш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион фаоллигини оширишга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, молия бозори маблағларидан самарали фойдаланиш ва кенг жалб қилишни талаб этмоқда.

Жаҳонда давлат бюджети камомадини молия бозори воситаларидан, жумладан давлат ва муниципал облигациялар орқали хорижий ва миллий инвестицияларни жалб этиш ва фойдаланиш амалиётидан кенг фойдаланилади. Молия бозори инфратузилмасида янги молиявий восита ва хизматлардан фойдаланиш, фонд биржаларининг савдо механизмлари такомиллаштириш жараёни давом этмоқда. Эмитентлар молиявий воситаларининг инвестицион жозибдорлигини ошириш мақсадида интернет ижтимоий тармоқларида аҳолининг хос аудиториясини қамраб олиш учун даромадларга кўра табақалаштириш жараёнларидан кенг фойдаланмоқда. Шу боис минтақавий молия бозоридан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, молия бозорини назорат қилиш ва тартибга солишнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш, молиявий воситалар ликвидлигини ошириш ва турларини кенгайтириш, улар бўйича рискларни камайтириш, аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини ошириш билан боғлиқ масалалар алоҳида ўрин эгаллайди. Айниқса инқироз даврида тезкор ҳаракатлар ва келажакдаги инқирознинг олдини олиш, пандемия таъсирини юмшатиш, бозорнинг интеграциялашуви жараёнлари билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш масалалари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда молия бозорини ривожлантириш жараёнининг минтақавий ўзига хос жиҳатларини эътиборга олган ҳолда, янада такомиллаштириш, молия бозори айланмасини кенгайтириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «...минтақавий даражада капитал бозори инфратузилмаси мутлақо ривожланмаганлиги»² сингари муҳим вазифалар белгилаб берилган. Жумладан, минтақавий молия бозоридан фойдаланиб, аҳолининг молиявий фаолиятдан оладиган даромадларини диверсификациялашга шарт-шароит яратиш, ҳудудий эмитентлар қимматли қоғозларининг инвестицион жозибдорлигини ошириш, маҳаллий ҳокимиятлар учун ҳудудий дастурларни бюджетдан ташқари

¹ <https://tadqiqot.uz/wp-content/uploads/2019/07/iqtisod-2019-03/54-60.pdf>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони №-6207, 13.04.2021 <https://lex.uz/docs/5371091> 20.04.2021

молиялаштириш мақсадида янги молиявий воситаларни жорий этиш ва уларнинг эмиссиясига шароит яратиш, ҳудудий молия бозори субъектлари молиявий кўрсаткичларини таҳлил натижасида прогнозларини тузиш, молия бозорини инфратузилмасини ривожлантириш, суғурта компаниялари фаолияти ва уларнинг янги суғурта турларини жорий этиш вазифаларини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 14 январь ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, антимонопол тартибга солиш ва капитал бозорини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 13 апрель ПФ-6207-сон «Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4127-сон «Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2019 йил 29 апрел ПҚ-4300-сон «Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 13 апрел ПҚ-5073-сон «Капитал бозорини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Молия бозорининг методологик асосларини такомиллаштириш бўйича етарли шарт-шароит яратишга қаратилган назарий-услубий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва юқори баҳоланган олий ўқув юртлари томонидан олиб борилган. Улар Deposit Insurance Corporation, Office of the Comptroller of the Currency, Development Research Group, World bank, Office of Financial Research, U.S. Department of the Treasury, International Monetary Fund, University of Chicago, Harvard University (АҚШ), University of Cambridge (Буюк Британия), Wageningen University and Research (Нидерландия), Waseda University (Япония), Keimyung University (Жанубий Корея), Nanyang Technological University (Сингапур), Tsinghua University (Хитой), Плеханов номидаги (Россия) иқтисодиёт университетидан иборат.

Дунеда амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижасида молия бозорини ривожлантиришнинг концептуал асосларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги илмий натижалар олинган, жумладан: депозитларни суғурталаш орқали банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологияси ўрганилган (Development

³ <https://www.rea.ru/ru/org/managements/unitscires/Pages/lidksafr.aspx>, <https://www.harvard.edu>; <https://www.cam.ac.uk>; <https://www.wur.nl>; <https://www.waseda.jp>; <http://www.kmu.ac.kr>; <https://www.ntu.edu.sg>; <https://www.tsinghua.edu>, <https://www.rea.ru/ru/pages/research.aspx> © ФГБОУ ВО «РЭУ им. Г.В. Плеханова», <https://fundamental-research.ru/ru/article/view?id=3486> 05.02.21 год.

Research Group); молиявий мустаҳкамлик индикаторлари ишлаб чиқилган ва унга капитал етарлилиги, активлар сифати, даромадлилик ва фойдалилик, ликвидлилик ва алмашув курси rischi сингари кўрсаткичлар киритилган (International Monetary Fund), корпоратив бошқарувни такомиллаштириш йўналишлари ва ривожлантириш тенденциялари белгиланган (Waseda University); соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштиришда тиббий суғуртанинг ўзига хос жиҳатлари асослаб берилган (Nanyang Technological University); иқтисодиёт тармоқлари ва йирик лойиҳаларни молиялаштиришда молиявий воситалардан фойдаланиш усуллари аниқланган (Tsinghua University). Россия Плеханов номли иқтисодиёт университетида минтақавий молия бозорини ривожланишининг баҳолаш микдорий усуллари ишлаб чиқилган. Муҳим жиҳати шундаки, улар молия бозорини методологик асослари ва унинг минтақавий жиҳатларига оид муаммо ва ечимларига боғлиқ тадқиқотлар олиб борганлар.

Жаҳонда молия бозорини ривожлантиришни методологик, илмий-назарий, услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: минтақавий молия бозорларини ривожлантиришда ҳудудий эмитентларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, молия бозори ахборот шаффофлигини ошириш ва инфратузилмасини ривожлантириш тизимини ишлаб чиқиш, қимматли қоғозлар бозори савдо тизимлари ва унинг операцион тузилмасини янада такомиллаштириш, рискларни камайтириш ва молия бозори барқарорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар ўтказилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Минтақавий молия бозорларининг ташкилий-иқтисодий механизмларининг ўзига хос хусусиятлари ва назарий жиҳатлари бир қатор олимларнинг тадқиқотларида ўрганилган. Жумладан, узоқ хориж мамлакатларидан G.Bannock, U.Butler, P.Frydman, M.Gashi-Butler, C.Gray, J.Gitman, M.Hessel, R.Vishna, D.Junk, G.Joel, J.Lawrence, W.Manser, D.Michael, R.Merton, P.Porta, V.Raymon, A.Rapaczynski, D.Siegel, J.Shim, P.Rose, V.Taylor⁴ сингари олимларни қайд этиб ўтиш мумкин. Г.Сигел Джоэл, ва К.Джей Шим қимматли қоғозларни баҳолаш бўйича асосий қоидаларни баён этганлар. Уларнинг фикрича, «қимматли қоғозларни баҳолашда активларнинг қийматини аниқлаб олиш муҳим»⁵.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан А.Басова, А.Бахрамов, Л.Белых, А.Булатов, В.Видяпин, В.Галанов, В.Глухов, А.Добрынин, Г.Журавлева, А.Захаров, А.Карпушкина, Е.Киселева, В.Ковалев, А.Константинов, А.Костиков, В.Миловидов, Д.Михайлов, Я.Миркин, А.Петров, А.Радыгин, Б.Раймон, Б.Рубцов, Л.Тарасевич, М.Чепурин ва бошқаларнинг илмий асарларида

⁴ Bannock G., Manser W. The Penguin International Dictionary of Finance. L., – 1990, – p.-184.; Butler U. E., Gashi-Butler M. E. Corporations and securities under the law of Russia and the USA. – М.: Zertsalo, – 1997. – С. 54-55; Frydman R., Gray C., Hessel M., Rapaczynski A. Private Ownership and Corporate Performance: some Lessons from Transition Economies. N.Y.: New York University, – 1997. – NYU Working Paper 9827. – 75 p. Global Financial Stability Report. Wash.: IMF, March December Lawrence J. Gitman, Michael D. Junk. Fundamentals of investing. – М.: Delo, – 1997. С. – 41; Merton R. Financial Innovation and the Management and Regulation of Financial Institutions. NBER Working Paper 5096. Cambridge, Mas., April, – 1995.; Finney R. N.Y., Munich, – 1995, p.38; <http://www.bawe.de/>; Joel. G. Siegel and Jay K. Shim. «Financial management». – М.: Filin, – 1997. – p-155, Peter S. Rose. Bank management. – М.: Delo, – 1997. – С. 3-5.

⁵ Joel. G. Siegel and Jay K. Shim. Financial management. – М.: Filin, – 1997. – p. 155.

молия бозорини ривожлантиришнинг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган⁶. Я.М.Миркиннинг фикрича: «қимматли қоғозлар бозори инвестиция учун молиявий ресурсларни жалб этиш, иқтисодийни модернизация қилиш ва ишлаб чиқариш ҳажми ошишини рағбатлантиришнинг асосий механизмларидан биридир. Шу билан бирга, кўп асрлар дунё тажрибасига кўра, жаҳон қимматли қоғозлар бозорларидаги кенг кўламли молиявий беқарорлик, макроиқтисодий хавф-хатар ва ижтимоий ларзалар манбаи бўлиши мумкин»⁷.

Миллий молия бозори шаклланиши ва ривожланишининг ташкилий-иқтисодий механизмларига қаратилган тадқиқотлар бир қатор ўзбекистонлик олимлар, жумладан И.Бутиков, Ш.Гафуров, А.Вахобов, Н.Жумаев, Р.Карлибаева, Т.Маликов, О.Олимжонов, Д.Рахмонов, О.Б.Сатторов И.Сирождидинов, Б.Ходиев, Б.Ташмурадова, С.Элмирзаев, А.Улмасов, В.Чжен, М.Шарифходжаев, Ш.Шохъазамий⁸ томонидан молия бозори ривожланишининг айрим жиҳатларини тадқиқ этилган.

И.Бутиков молия бозори билан боғлиқ тушунчалар ва қимматли қоғозларнинг асосий хусусиятларини илмий асослаб берган. Ш.Шохъазамий молия бозори моделларини ўрганган, О.Сатторов рейтинг агентлиги орқали капитал рентабеллигини баҳолашда рискни ҳисобга олиш методологиясини

⁶ Белых Л.П. Основы финансового рынка. – М.: Финансы, 1999. – С.14., Булатов А.С. Экономика. – М.: БЕК, – 1999. – 436 с.; Глухов В.В., Бахрамов Ю.М. Финансовый менеджмент. – СПб.: Специальная литература, -1995.С.-109.; Видяпин В.И., Добрынин А.Н., Тарасевич Л.С. Политическая экономика. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский государственный университет экономики и финансов, Изд-во «Питер», – 2000. – С.382-383.; Журавлева Г.П. Экономическая теория. – М.: Инфра-М., -1997.-с. 443. Галанова В.А., Басова А.И. Рынок ценных бумаг. – М.: Финансы и статистика, – 1996. – 170 с.; Видяпин В.И., Журавлева Г.П. Экономическая теория. – М.: ИНФРА-М, – 1997. – 443 с.; Галанов В.А. Рынок ценных бумаг. – М.: Финансы и статистика, -2001. – 191 с; Карпушкина А.В. Рынок ценных бумаг в условиях переходной экономики России. Автореферат диссертации на соискание уч. ст. к.э.н. Института экономики Уральского отделения Российской академии наук, – 1999, – с.-99. Ковалев В.В. Введение в финансовый менеджмент. – М.: Финансы и статистика, – 2000. – С. 46.; Константинов А.В. Теория и опыт зарубежных стран в сфере финансового регулирования и их применение в Российской системе. <https://fundamental-research.ru/ru/article/view?id=3486> 5.02.21. Миркин Я.М. Ценные бумаги и фондовый рынок. – М.: Перспектива,1995; Миркин Я.М. Российский рынок ценных бумаг: влияние фундаментальных факторов, приоритеты и механизм развития. Диссертация и автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. 2003. Сайт: <https://www.dissercat.com/content/rossiiskii-rynok-tsennykh-bumag-vliyanie-fundamentalnykh-faktorov-prioritety-i-mekhanizm-raz.>; Рубцов Б.Б. Мировые фондовые рынки: проблемы и тенденции развития. Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Москва: Финансовая академия при правительстве Российской Федерации. 2000. - С.18.; Петров А.А. Математические модели экономического переходного периода. Тезисы докладов научной сессии «Проблемы прикладной математики и информатики – 2000». – М.: Вычислительный центр Российской академии наук, – 2000., – с.-14.; Барр Раймон Политическая экономия. – М.: Международные отношения, – 1995. – с.-319; Чепурин М.Н., Киселева Е.Л. Курс экономической теории. – Киров: Издательство «Аса», МГИМО МИД РФ, – 1998. – С.394-396.

⁷ Миркин Я.М. Российский рынок ценных бумаг: влияние фундаментальных факторов, приоритеты и механизм развития. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. – М., 2003 г. Сайт <https://www.dissercat.com/content/rossiiskii-rynok-tsennykh-bumag-vliyanie-fundamentalnykh-faktorov-prioritety-i-mekhanizm-raz> 07. 02.2021.

⁸ Бутиков И.Л. Рынок ценных бумаг. – Ташкент: Консаудитинформ, – 2001. – 344 с.; Гафуров Ш.Р. Ценные бумаги. – Ташкент: Мир экономики и права, – 2000. – С.92; Жумаев Н.Х., Бурханов У. Молиянинг долзарб муаммолари. Монографиялар ва мақолалар. – Т.: Янги аср авлоди, – 2003. – 385 б. Маликов Т., Олимжонов О. Молиявий менежмент. – Т.: Академия, -1999. – 193б. Сирождидинов И.К., Кадирова Х.Т., Рахмонов Д.А. Молиявий менежмент. – Т.: Иқтисод-молия, – 2020. – 375 б.; Сатторов О.Б. «Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш» мавзусидаги докторлик диссертацияси автореферати. – Т.: ТДИУ, – 2018. <https://www.oak.uz.>; Ходиев Б., Карлибаева Р., Акрамов Н. Корпоратив бошқарув. – Т.: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, – 2011. – 303 б.; Ташмурадова Б., Элмирзаев С., Турсунова Н. Молиявий менежмент. – Т.: Иқтисод-молия, – 2017. – 338 б.; Улмасов А., Вахобов А. Иқтисодий назарияси. – Т.: Шарк, – 2006. – 445 б.; Шохъазамий Ш.Ш. Финансовый рынок и ценные бумаги. Учебник. – Т.: Иқтисод-молия», – 2005. – С. 1.; Чжен В.А. Деньги и финансовые рынки. – Т.: Шарк, – 1996. – С. 150.

таклиф этган. И.Сирожиддинов ва Д. Рахмонов қимматли қоғозлар портфелининг таркибий тузилмасини сифатли бошқариш, инвестицияларнинг молиявий-иқтисодий самарадорлигини таъминлаш ҳамда баҳолашнинг зарурлигини асослаб берганлар.

Юқорида келтирилган маҳаллий олимларнинг тадқиқот ишларида молия бозорини ривожлантиришнинг концептуал асосларини такомиллаштириш бўйича, жумладан унинг минтақавий тизимини такомиллаштиришга қаратилган яхлит тадқиқотнинг олиб борилмаганлиги мазкур мавзунини тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқаради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФМ-1-сон «Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогнозлаштиришнинг илмий-методологик асослари ва усулларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон минтақаларида молия бозорини ривожлантиришнинг концептуал асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

молия бозорининг назарий-методологик асосларига таянган ҳолда «молия бозори» тушунчасига муаллифлик таърифини бериш;

молия бозори молиявий воситаларининг асосий хусусиятларини аниқлаш, улардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш ва рискларни камайтиришга оид амалий тавсиялар бериш;

молия бозорининг муайян моделини шакллантиришга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар тизимига асосланиб, минтақавий молия бозорининг ривожланиш модели ва тузилмасини такомиллаштириш;

молия бозорларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг халқаро тажрибасини ўрганиш, унинг ижобий томонларини қўллаш бўйича таклифлар бериш;

минтақавий молия бозорини шакллантириш концепцияси бўйича давлат дастурига киритиш масалаларига оид таклиф ишлаб чиқиш;

молия бозори воситаларидан фойдаланишни баҳолаш, минтақавий молия бозорини ривожлантиришда улардан фойдаланишнинг узоқ муддатли устуворликларини илмий, амалий асослаб бериш;

инвестицияларни жалб этиш, молия бозорининг шаффофлигини таъминлаш, давлатнинг роли, сиёсати ва минтақавий молия бозорининг ривожланишини янада фаоллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

минтақавий молия бозорини ривожлантиришнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш ва концепциясини яратиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон молия бозорининг минтақавий инфратузилмаси танлаб олинган.

Тадқиқот предметини минтақавий молия бозорининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий абстракция, кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, қиёсий, корреляцион ва регрессион таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш ва прогнозлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

вилоят ҳокимликлари хузурида минтақавий молия бозорини ривожлантириш дастурлари ва уларнинг ижроси бўйича «Минтақавий молия бозорини ривожлантириш» бошқармаси ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

маҳаллий ҳокимиятларнинг ҳудудий дастурларини бюджетдан ташқари молиялаштиришда ҳудудий (муниципал) облигацияларни эмиссия қилишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

«Намангандонмаҳсулотлари» АЖнинг соф актив, соф тушум ва соф фойда кўрсаткичлари 2024 йилларгача бўлган прогноз параметрлари ишлаб чиқилган;

капитал бозорини ривожлантириш Давлат дастурига минтақавий молия бозорини ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирларини киритишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

муомалага чиқарилган молиявий маҳсулотлар тўғрисида ягона ахборот базаси ва эмитентлар фаолияти ҳақида ахборот беришга ихтисослашган агентлик ташкил этиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

молия бозорини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар илмий асосланган;

рискларни камайтириш ва молия бозори барқарорлигини ошириш бўйича таклифларидан амалиётда фойдаланишнинг имконияти асосланган; қимматли қоғозлар бозори савдо тизимлари ва унинг операцион тузилмасини янада такомиллаштириш таклифлари асосланган;

қимматли қоғозларни муомалага чиқариш ва сотиш ҳажми ошишини рағбатлантирувчи чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

минтақавий молия бозорининг ахборот шаффофлигини таъминлаш, инфратузилмасини шакллантириш ва кенгайтириш тизими ишлаб чиқилган;

акционерлик жамиятларининг ривожланиш истиқболларини аниқлаш методидан амалиётда фойдаланишнинг имконияти асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги етакчи иқтисодчи олимларнинг молия бозорини ривожлантириш бўйича илмий-назарий фикрларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ҳамда умумлаштириш, молия бозорини ривожлантиришнинг концептуал асослари бўйича миллий ва халқаро нуфузли ташкилотларнинг расмий манбаларига асосланганлиги, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, «Тошкент» республика фонд биржаси, Миллий депозитарийнинг статистик маълумотларига асосланиб, жараёни таҳлил қилиш орқали илмий-назарий хулосалар қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти молия бозорининг методологик асослари, хусусан, минтақавий жиҳатларини шакллантиришда ўрганиш ва минтақавий

молия бозорини ривожлантириш ва такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланилганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан минтақавий молия бозорини такомиллаштириш ва янада ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш, амалий аҳамиятга оид концепциясини ишлаб чиқиш, шунингдек, меъёрий ҳужжатлар ва иқтисодийнинг реал секторларига инвестицияларни жалб этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуида фойдаланиш имкониятида ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Минтақавий капитал бозорини такомиллаштириш, концепцияни шакллантириш, ривожлантириш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

вилоят ҳокимияти ҳузуридаги молия бозорини ривожлантириш бўйича ихтисослаштирилган бошқармани яратиш, молия бозорини турли сегментларини ривожлантириш бўйича стратегик дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек, улар учун зарур инфратузилмани таъминлаш, минтақавий ривожланиш эҳтиёжлари учун ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилиш механизмини такомиллаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрел ПҚ-5073-сон «Капитал бозорини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ва 2021-2023 йилларда Республика капитал бозорини ривожлантириш дастурида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2021 йил 26 январь 04/1-06-90-сон ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг минтақавий бўлимининг 2021 йил 9 апрелдаги 01-02/621-сон маълумотномалари). Мазкур таклиф вилоят ҳокимияти ҳузуридаги молия бозорини ривожлантириш бўйича ихтисослаштирилган бошқармани яратиш, стратегик дастурларни ишлаб чиқиш, зарур инфратузилмани таъминлаш, минтақавий ривожланиш эҳтиёжлари учун ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилиш механизмини жорий этган;

маҳаллий ҳокимиятларнинг ҳудудий дастурларини бюджетдан ташқари молиялаштиришда ҳудудий (муниципал) облигацияларни эмиссия қилишнинг мақсадга мувофиқлиги таклифи келтирилди. Ушбу таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрел ПҚ-5073-сон «Капитал бозорини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ва 2021-2023 йилларда Республика капитал бозорини ривожлантириш дастурида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2021 йил 26 январь 04/1-06-90-сон ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг минтақавий бўлимининг 2021 йил 9 апрелдаги 01-02/621-сон маълумотномалари). Таклифни амалиётга жорий этиш натижасида, банк томонидан кредитлашга муқобил бўлган самарали молиялаштириш механизми яратилган, молиявий воситаларнинг таклифи ошган;

«Намангандонмаҳсулотлари» АЖнинг соф актив, соф тушум ва соф фойда кўрсаткичлари параболик (квадратик) ночизиқли регрессион модели орқали 2024 йилларгача бўлган прогноз параметрларини ишлаб чиқиш таклифи

келтирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2021 йил 26 январ 04/1-06-90-сон ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг минтақавий бўлимининг 2021 йил 9 апрелдаги 01-02/621-сон маълумотномалари). Таклифни амалга жорий этилиши акциядорлик жамиятини бошқариш билан боғлиқ турли масалаларни қабул қилиш ва муҳокама қилиш, инвесторларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, хорижий инвесторларни жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш, стратегик аҳамиятга эга бўлмаган акциядорлик компаниясидаги улушига чекловлар олиб ташлаш ва ахборот шаффофлигини таъминлаган;

капитал бозорини ривожлантириш Давлат дастурига минтақавий молия бозорини ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирларини киритишнинг мақсадга мувофиқлиги таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрел ПҚ-5073-сон «Капитал бозорини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ва 2021-2023 йилларда Республика капитал бозорини ривожлантириш дастурида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2021 йил 26 январ 04/1-06-90-сон ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг минтақавий бўлимининг 2021 йил 9 апрелдаги 01-02/621-сон маълумотномалари). 2021-2023 йилларда Республика капитал бозорини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган;

муомалага чиқарилган молиявий маҳсулотлар тўғрисида ягона ахборот базаси ва эмитентлар фаолияти ҳақида ахборот беришга ихтисослашган агентлик ташкил этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрел ПҚ-5073-сон «Капитал бозорини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ва 2021-2023 йилларда Республика капитал бозорини ривожлантириш дастурида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2021 йил 26 январ 04/1-06-90-сон ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг минтақавий бўлимининг 2021 йил 9 апрелдаги 01-02/621-сон маълумотномалари). Мазкур таклиф натижасида молия бозорини ривожлантириш бўйича молиявий маҳсулотлар тўғрисида ягона ахборот базаси ва эмитентлар фаолияти ҳақида ихтисослаштирилган ахборот бериш базаси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 30 илмий-амалий конференцияда, шу жумладан, 18 республика ва 12 халқаро конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Докторлик диссертация мавзуси бўйича жами 57 та илмий иш, шу жумладан, 3 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этган илмий нашрларда 10 та мақола ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 215 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Молия бозорини шакллантиришнинг назарий-методологик асослари»** номли биринчи бобда молия бозорининг моҳияти, аҳамияти, зарурати, вазифалари, аҳамияти тадқиқ этилган. Молия бозори, қимматли қоғозлар бозори ва молиявий воситалар таърифлари берилган. Молия бозори сегментларини таснифлашга оид турли ёндашувлар ўрганилиб, муаллиф томонидан ишлаб чиқилган молия бозори ва қимматли қоғозлар бозори таснифлари келтирилган. Молия бозори воситалари ва иштирокчилари таҳлил қилинган.

Молия бозори вақтинча бўш турган капитални кейинчалик даромад олиш мақсадида жамғаради, талаб-таклиф қонуниятига асосланган ҳолда жамлайди ва истеъмолчилар ўртасида самарали тақсимлаш билан шуғулланади, унинг аксарият қисми ижтимоий соҳаларни молиялаштиришга ҳамда миллий иқтисодиёт реал тармоқларининг энг самарали соҳаларига йўналтиради.

«Молия бозори» атамасининг турли таърифлари мавжуд. «Молия бозори» атамаси кўп асрлар давомида шаклланган бўлиб, ҳозирги кунда айрим молия институтлари томонидан бозор усуллари асосида амалга оширилувчи капитал эгалари ва қарз олувчилар ўртасидаги муносабатларнинг мураккаб ва кўп ўлчовли тизимини ўзида мужассамлаштирган сиғимли иқтисодий категорияни англатади.

«Молия бозори» атамасининг хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан берилган таърифларини қиёслаш жараёнида, россиялик олимлар В.В.Ковалёв молия бозорига молиявий ресурсларни бир объектдан иккинчисига кўчиришнинг ўзига хос механизми ҳисобида⁹, Л.П.Белых молия бозори тушунчаси талаб ва таклиф қонуни билан боғлагани¹⁰, Б.Б.Рубцов молиявий ресурсларнинг айланиш муддати билан изоҳлагани¹¹, Ш.Ш.Шохъазамий молия бозори молиявий воситалар ҳаракати бўйича бозор-иқтисодий муносабатлари кўринишида ифодалагани¹², Раймон Барр пул бозорини инобатга олинмагани¹³ аниқланди.

Муаллифнинг фикрича, ***«молия бозори – пул иқтисодий ресурсга айланиб, янги сифатга эга ҳуқуқий механизм билан таъминланган қисқа ва узоқ муддатли жиҳатларда молиявий ресурслар ҳаракати ва қайта***

⁹ Ковалев В.В. Введение в финансовый менеджмент. – М.: Финансы и статистика, – 2000. – С. 46.

¹⁰ Белых Л.П. Основы финансового рынка. – М.: Финансы, – 1999. – С. 14.

¹¹ Рубцов Б.Б. Мировые фондовые рынки: проблемы и тенденции развития. Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. – М.: Финансовая академия при правительстве Российской Федерации, – 2000. – С. 18. <https://search.rsl.ru/ru/record/01003207245> 04.02.2021.

¹² Шохъазамий Ш.Ш. Финансовый рынок и ценные бумаги. – Т.: Иқтисод-молия, – 2005. – С. 15.

¹³ Барр Раймон. Политическая экономия. – М.: Международные отношения, – 1995. – 319 с.

тақсимланиши билан ифодаланган иқтисодий муносабатларни амалга ошириш соҳасидир. Молия бозоридан ташқарида пул жамғарилган бойликлардан иборат, лекин молиявий ресурс вазифасини бажариб, у янги бойлик манбаи ва унинг яратилиш объектига айланади»¹⁴.

Замонавий молия бозори кўп ўлчовли, даражали институционал ва функционал алоқалар тизими бўлиб, уларнинг ҳар бири молиявий ресурсларнинг узлуксиз оқими ва такрор ишлаб чиқариш жараёни вазифаларини амалга ошириш учун муайян функцияларни бажаради. Шу билан бирга, молия бозорининг тузилиши, амалга ошириш тамойиллари ва механизми ҳақида тўғри тушунчага эга бўлиш учун унинг таркибий элементлари ва функционал алоқаларининг илмий асосланган таснифи муҳим аҳамиятга эга (1-расм).

Молия бозорининг турли сегментларини батафсил таснифлашдан келиб чиққан ҳолда, унинг барқарор ривожланиши молия бозорининг тегишли инфратузилмаси ва молиявий воситаларсиз фаолиятини амалга ошириш мумкин эмас. Қимматли қоғозлар молиявий воситалар сифатида таснифланади. Хорижлик олимларнинг тадқиқотларида «securities» атамаси кўпинча қимматли қоғозларга, «derivatives» эса ҳосила қимматли қоғозларга нисбатан қўлланилади. Нобель мукофоти совриндори, иқтисодчи Роберт Мертон, «derivatives»ни «securities» қаторига олиб боради¹⁵. Шу билан бирга, айрим америкалик муаллифлар – иқтисодчилар қимматли қоғозлар атамасига торроқ ёндашув, яъни: фақат узок муддатли қимматли қоғозларнигина эътироф этадилар. Ҳосилавий молиявий воситалар ёки ҳосилавий қимматли қоғозлар (ҳосилалар) бу ҳолда ҳам қимматли қоғозлар тоифасига кирмайди.

Шунга кўра, улар қимматли қоғозлар бозорида эмас, балки ҳосилалар бозорида котировка қилинади. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июндаги ЎРҚ-387-сон қонуни янги таҳрирдаги «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида, қимматли қоғозларнинг янги таҳририда «пул» сўзи олиб ташланиб, «юридик шахс» деган сўз ҳам қўшилди¹⁶.

Муаллифнинг фикрича, ҳужжат сифатида қимматли қоғозлар тушунчаси, ҳақиқатан ҳам, молия бозори ривожланишининг кенг тенденциясига мос келмайди. Қимматли қоғозлар ҳужжат эмас. Ҳужжат ўз-ўзидан далил бўла оладиган маълум шаклига эга нарсаларни тасдиқловчи расмий қоғоз. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, бу талқинлар сезиларли даражада фарқ қилар экан, барча қимматли қоғозлар бозоргирлиги, ликвидлиги ва rischi сингари умумий фундаментал хусусиятларга эга.

¹⁴ Кадирова Х.Т. Концептуальные основы развития финансового рынка Узбекистана. Монография. – Наманган: АРЖУМАНД МЕДИА, – 2020. – С.15.

¹⁵ Merton R. Financial Innovation and the Management and Regulation of Financial Institutions. NBER Working Paper 5096. Cambridge, Mas., April, – 1995.

¹⁶ Новая редакции Закона Республики Узбекистан от 03.06.2015 г. № ЗРУ-387 «О внесении изменений и дополнений в закон Республики Узбекистан «О Рынке ценных бумаг»». Ташкент, 3 июня 2015. № ЗРУ-387 статья 3. <https://lex.uz/docs/2662541>. 20.06.2020.



1 – расм. Молия бозори таснифи. Муаллиф томонидан тузилган.

Диссертациянинг «Молия бозорларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг жаҳон тажрибаси» деб номланган иккинчи бобида, ривожланган давлатларда молия бозорларининг ҳолати, ривожланиш моделлари ҳамда ривожланаётган мамлакатларда молия бозорларини шакллантириш ва ривожлантириш тенденциялари таҳлил қилинган. Амалиётдан маълумки, молия бозорининг ривожланиш тарихи турли моделларининг шаклланиши ва ривожланишига олиб келди. Зеро «... дастлабки модель... турли шаклларда пайдо бўлиши, математик тавсифланиши ёки тавсифланмаслиги, муайян даврни қабул қилиши ёки қабул қилмаслиги мумкин. Лекин унинг асосий хусусиятли белгиси шундаки, у мавжуд элементларнинг белгиланган аниқ алоқасини ифодалайди, воқеликнинг ички, зарурий муносабатларини акс эттирувчи муайян тузилмани назарда тутди»¹⁷.

Молия бозори моделларини ҳисобга олиб, уларнинг хилма-хиллигини қайд этиш лозим. Ривожланган молиявий бозорларга эга 30 дан ортиқ мамлакатларда тахминан 40-45 % тижорат ва инвестиция банклари (Англо-саксон модели) ўртасида «тўсиқ»ларга эга бозорлар, 40-45 % аралаш бозорлар ва 10-15 % банклар (немис модели) мавжуд.

Тадқиқотга кўра, Венгрия, Польша ва Чехия мамлакатларидаги компанияларнинг аксарияти назорат қилувчи акциядорларга эга, бу, ўз навбатида, фонд бозори ва қимматли қоғозлар бозорларининг янада ривожланишига таъсир этади. Чехия ва Польшада қарз бозорлари қимматли қоғозлар бозорларидан устун бўлиб, мулкчилик тузилмаси оммавий ва чакана қимматли қоғозлар бозори шаклланишига тўсқинлик қилди. Худди шундай тенденцияларни МДХга аъзо давлатлар учун ҳам қайд этиш мумкин. Бу мамлакатларда чакана инвесторлар улуши жуда кичик.

Қирғизистон молия бозори етарли даражада ривожланмаган, жаҳон молия бозорларига деярли кириш имкони йўқ, уни яққаланган бозорларга боғлаш мумкин. Мамлакат молия бозорида давлат ва корхона қимматли қоғозларига аҳолининг ишончсизлиги юқори даражада, эътибор асосан ташқи инвестицияларга қаратилган, уларнинг концентрацияси 70 %дан ортиқни ташкил этади. Қирғизистон иқтисодиётининг пул маблағлари асосан тижорат банкларида – 80 % ва нобанк молия-кредит муассасаларида – 19 %ни ташкил этади. Қолган массанинг фақат 1 %ни бошқа молия институтлари – фонд биржаси, брокерлик компаниялари, суғурта компаниялари, инвестиция фондлари ва бошқаларда жамланган.

Қозғистон Республикасида 2020 йилнинг 6 ойи давомида фонд бозорининг капиталлашуви – 17,3 трлн. тенге, муомаладаги облигациялар 13,5 трлн. тенгени ташкил этганини таъкидлаш мумкин. 2020 йилнинг 6 ойи давомида акциялар савдоси 17,3 млрд. тенге, корпоратив облигациялар савдоси эса 248,5 млрд. тенге, давлат қимматли қоғозлари 578 млрд. тенгени ташкил этди¹⁸.

¹⁷ Петров А.А. Математические модели экономического переходного периода. Тезисы докладов научной сессии «Проблемы прикладной математики и информатики – 2000». – М.: Вычислительный центр Российской академии наук, -2000. – С. 14.

¹⁸ <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/430380.дата обращения 28.04.2021>

2019 йилда ўтказилган социологик тадқиқотлар молиявий саводхонлик даражасини белгилаб берди. Бу кўрсаткич – 36 % экани қайд этилган. Фуқароларнинг 32 %ида банк кредитлари ва қарийб – 33 %ида яқин келажақда кредитлардан фойдаланиш режаси мавжуд. 39 % респондентларнинг пул омонатлари мавжуд, лекин депозит кафолат тизимидан хабардор эмас¹⁹. Пул маблағларидан жорий ҳисобдаги инвестиция воситаси сифатида эмас, балки – 22 % молиявий инвестициялар кўринишида фойдаланилади. Молия ҳақида билим етишмаслигини – 63 % респондентлар қайд этди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, Қозоғистон Республикаси ҳукуматининг 338-сонли, 2020 йил 30 майдаги қарори билан 2020-2024 йиллар учун молиявий саводхонликни ошириш концепцияси тасдиқланди²⁰.

Кўшни республикалар орасида Ўзбекистон Республикаси молия бозори ҳам ривожланаётган бозорлардан бири бўлиб қолмоқда ва қўшни республикаларнинг молия бозорларидаги муаммолар айнан республикамиз бозорида ҳам мавжуд.

Диссертациянинг «**Минтақавий молия бозорини ривожлантириш-нинг концептуал асослари**» номли учинчи бобида Наманган вилояти молия бозорини шакллантиришнинг шарт-шароитлари ва тенденциялари ўрганилган, ташкилий иқтисодий инфратузилма субъектлари фаолияти, молиявий воситалардан фойдаланиш самарадорлиги, унинг ривожланишидаги номутаносиблик таҳлил қилинган, эконометрик моделлар ва минтақавий молия бозори субъектларини фаолияти прогнозлаштиришга қаратилган илмий хулосалар асосидаги таклифлар шакллантирилган.

Вилоят молия бозори ривожланишининг ҳозирги босқичида давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнлари давом этмоқда, 2020 йил 1 январь ҳолатига давлат улуши – коммунал, қурилиш ва хизматлар соҳасида энг кўп эканлиги аниқланди: ижтимоий тармоқларда 97 та корхона (63 %), туризм ва фармацевтикада 25 та (16,2%), қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида 14 та корхона (9 %), энг кам микдорлари – саноат зоналари ва инвестицияда – 8 та (5,2 %), ахборот технологиялари ва коммуникацияларида – 5 та (3,2 %), оғир саноат ва молияда – 3 та (1,9 %) ва енгил саноат, машинасозлик ва электроника соҳаларида – 2 та(1,3 %)ни ташкил этди²¹.

Банклар молия бозорининг энг фаол иштирокчиларидан бири ҳисобланади. Жами 2020 йил 1 апрель ҳолати бўйича республикада 30 та банк мавжуд бўлиб, шундан 13 таси давлат улушига эга банклардир. Уларнинг активлари банк активлари умумий суммасининг 85 %ини ташкил этиб, бу банклар томонидан берилган кредитларнинг умумий суммаси 88 %, капиталлари улуши – 87 %, жалб этилган омонатлар улуши эса 73 %ни ташкил этади. Хусусан, бу жараёнда Миллий Банк, Асака Банк, Ўзсаноатқурилишбанк етакчилик қилмоқда.

Суғурта бозори молия бозорининг сегментларидан бири ҳисобланади. 2019 йилда Ўзбекистон Республикасида суғурта ташкилотлари сони 40 тани ташкил этди. Тузилган шартномалар сони 7401287 тага етди, бу эса 2018 йилга

¹⁹ Там же.

²⁰ Постановление Правительства Республики Казахстан от «30» мая 2020 года № 338 Концепция повышения финансовой грамотности на 2020 – 2024 годы. Сайт: Источник cdb.kz: <https://cdb.kz/sistema/novosti/> 28.04.2021.

²¹ Наманган вилояти Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йилги ҳудудий бошқармасининг статистик маълумотлари.

нисбатан 112,0 %ни ташкил этди. 2019 йилда республикада суғурта суммаси 690 462,7 млрд. сўмга тенг бўлди, яъни 15,6 % ёки 93 012,4 млрд. сўмга кўпайган.

Ихтиёрий суғуртанинг улуши 68,0 %ни (469 250, 7 млрд. сўм), мажбурий суғурта – 32,0 % (221 212,0 млрд. сўм)ни ташкил этди. 2019 йилда суғурта мукофотлари тушуми – 2138,8 млрд. сўмни ташкил этди, шундан ихтиёрий суғурта учун – 1832,1 млрд. сўм (умумий сумманинг 85,7 %), мажбурий суғурта учун – 306,7 млрд. сўм (14,3 %) суғурта тўловлари миқдори 808,6 млрд. сўмни ташкил этди. Мажбурий суғуртанинг ихтиёрий турларига нисбатининг қиёсий таҳлилини 1-жадвалда кузатиш мумкин.

1-жадвал

2019 йил мажбурий суғурта турларининг ихтиёрий суғуртага нисбат ҳолати таҳлили кўрсаткичлари²² (млн. сум.)

№	Кўрсаткичлар	Ихтиёрий суғурта турлари	Мажбурий суғурта турлари	Мажбурий суғурта турларининг ихтиёрий суғуртага нисбати (%)
1.	Шартномалар сони	4 138 895	3 262 392	78,8
2.	Суғурта суммаси	469 250 707,5	221 211 966,1	47,1
3.	Суғурта мукофотлари тушуми	1 832 120,6	306 651,0	16,7
4.	Суғурта тўловлари	719 539,1	89 027,3	12,4

Суғурта компанияларида мажбурий суғурта турларининг улуши 50 %дан ортиқ бўлган ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, ихтиёрий суғурта турлари мажбурий суғурта турларидан устун бўлган суғурта хизматлари таркибида ишга солинмаган салоҳиятидан фойдаланиш зарур.

Молия бозори инфратузилмасининг асосий субъектларидан бири фонд биржасидир. 2019 йилда «Тошкент» РФБги савдо ҳажми – 332,9 млрд. сўмни ташкил этган (2018 йилда – 330 млрд. сўм). Ўтган йилда тузилган битимлар сони 3 баробарга ошиб, 23 299 тани ташкил этди (тегишли давр – 7 793 та). Ҳисобот даврида жами – 5,2 млрд. сўмлик 91 та акционерлик жамиятининг қимматли қоғозлари сотилди. Соҳалар томонидан тузилган битимлар бўйича тижорат банкларининг қимматли қоғозлари асосан талабга эга бўлган.

Иқтисодиётнинг бу сегменти биржа айланмасининг – 88,7 %ини ташкил этган, унинг ҳажми – 295,4 млрд. сўмдан иборат. Қурилиш саноати корхоналарининг улуши – биржа айланмасининг 5 % ёки – 19,8 млрд. сўмни, саноат сектори улуши – биржа айланмасининг – 2,8 % ёки 9,4 млрд. сўм., агросаноат мажмуаси улуши – биржа айланмасининг – 0,8 % ёки 2,5 млрд. сўмни ташкил этди. Мазкур натижа бугунги кунда банк қимматли қоғозларига ишонч юкорилигини тасдиқлайди. Молия бозорида молиявий институтларнинг, эмитентларнинг молиявий воситалари ўртасидаги рақобат муҳити шакллантирилмаганлигини ифодалайди. Булар капитал бозорини ривожлантириш Давлат дастурида белгиланган вазифалар ечимини топишни талаб этади.

²² Жадвал муаллиф томонидан 2019 йилдаги «Основные показатели деятельности страховых организаций Республики Узбекистан» статистик бюллетени асосида тузилган. https://stat.uz/uploads/docs/sug'urta_bozori_ru.22.01.2021 год.

«Марказий қимматли қоғозлар депозитарийси» давлат корхонасининг 2020 йилга мўлжалланган фаолияти натижаларини ҳисобга олиб, акционерлик жамиятлари сонини 601 данадан 599 донгача қисқартириш, бироқ шу билан бирга чиқарилган акциялар ҳажмини ошириш тенденцияси давомийлигини кузатиш мумкин²³. Муомалага чиқарилган акциялар номинал қийматининг умумий ҳажми – 149502, 26 млрд. сўмдан ошди. Миқдор жиҳатдан – 10 048,12 млрд. дона акцияни ташкил этди.

Бундан ташқари, Марказий депозитарий томонидан умумий қиймати 281,24 млрд. сўмлик, 472,8 минг дона корпоратив облигация ҳисоби юритилди, шундан умумий суммаси 172,24 млрд. сўм, 415,7 минг дона корпоратив облигация 3 та банк томонидан берилган. 2020 йилда давлатнинг АЖ устав фондларидаги улуши 53041,19 млрд. сўмга ошди, АЖ сони эса 3 тага камайтирилди. Марказий қимматли қоғозлар депозитарийси фаолиятида техник ва молиявий ресурсларни жалб этиш жараёни сустретмоқда.

Марказий қимматли қоғозлар депозитарийси фаолиятида ислохотларни амалга ошириш жараёнида техник ва молиявий ресурсларни жалб этиш, шунингдек, бошқарув ва қарор қабул қилишда ҳаракатчанликни янада таъминлаш учун «Марказий қимматли қоғозлар депозитарийси» давлат корхонаси шахсида потенциал акциядорлар – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, фонд ва валюта биржалари, инвестиция воситачилари, шунингдек, хорижий капитал бозорларида асосий иштирокчи бўлган хорижий инвесторларни кўрсатган ҳолда акциядорлик жамиятига қайта ташкил этиш таклиф этилади.

Наманган вилояти Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йилги ҳудудий бошқармасининг статистик маълумотларига кўра «Тошкент» РФБ «E-IJRO-AUKSION» электрон савдо майдончаси орқали 87 та давлат активи кимосди савдосига қўйилди. Жумладан, 4 та ҳудудий акциядорлик жамияти («Учқўрғон ёғ» АЖ, «Наманган тола текстил» МЧЖ, «Наманган шароб» АЖ, «Наманган Агромаш» МЧЖ) акциялари давлат улушлари сотувга қўйилди. Шундан 3 та корхонанинг 46,7 млрд. сўм миқдоридаги акциялар давлат улушлари сотилди («Учқўрғон ёғ» АЖ давлат улуши – 51,7 фоиз, 22,6 млрд. сўм., МЧЖ «Наманган тола текстил» давлат улуши – 51,0 фоиз, 17,6 млрд. сўм., МЧЖ «Наманганагромаш» давлат улуши – 91,5 фоиз, 6,6 млрд. сўм.).

Айни пайтда «Наманган шароб» АЖ акциялар пакетининг давлат улуши – 57,24 фоизи, умумий қиймати 20,0 млрд. сўмга сотиш ишлари олиб борилмоқда. 473,5 млрд. сўм миқдорида инвестицияларни жалб этиш ва 3 йил муддатга 2100 та янги иш ўринлари шакллантириш шарти билан «0» қийматда 23 та давлат объектларини ўтказиш тўғрисида битимлар имзоланди²⁴. Вилоятда ижтимоий ва инвестицион мажбуриятларнинг бажарилишини таҳлил қилиб таъкидлаш лозимки, 2020 йил 1 январдан бошлаб, умумий қиймати 38,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги инвестицияларни жалб этиш шарти билан 93 та савдо шартномаси (уларнинг 29 таси «0» сўм қийматида ва 64 таси реализация қийматида) имзоланди ва 93,3 млрд. сўм, шунингдек 2 564 та иш ўрни ташкил

²³ <http://www.deponet.uz/articles>

²⁴ По данным регионального отделения агентства по управлению государственными активами Наманганской области за 2019 год.

этилди. Ижроси – 42,02 млрд. сўм ва 1 119,0 минг АҚШ долларини ташкил этди. Ҳисобот даврида жами 626 та корхона давлат реестридан чиқарилди.

Вилоятнинг ҳудудий тузилмаси 2018 йил 1 январь ҳолатида 1.25 та акциядорлик жамиятидан, уларнинг фаол эмиссиялари – 136 792 784 минг сўмлик ёки 90 964 428 дона акциялардан иборат бўлди. Вилоятда акционерлик жамиятлари сонини камайтириш давом этди. Бугунги кунга келиб, вилоятда 22 та акциядорлик жамияти фаолият юритмоқда, уларнинг сони ўтган йилга нисбатан 3 тага камайган, булар: «Kline текстил», «Олтин Invest», «Поп пахта толаси» корхоналари, бу ўз навбатида, вилоятда бирламчи ва иккиламчи қимматли қоғозлар бозори айланмаси камайишига сабаб бўлади²⁵.

Вилоятда фаолият юритаётган АЖлардан бири «Намангандонмахсулотлари» фаолиятининг танлов таҳлили кўрсатдики (2-расмга қаранг), акцияларнинг сўнгги эмиссияси 2005 йилда ўтказилган. 2020 йил 23 март ҳолатига «Намангандонмахсулотлари» АЖ устав капитали таркибида энг катта улушни «Ўздонмахсулот» АЖ улуши – 51 % (95 967 дона акция) эгаллайди, бошқа юридик шахсларнинг улуши – 10,1 % (19 074 дона акция), жисмоний шахсларнинг улуши – 38,9 % (73 084 дона акция) ташкил этади. Устав капитали таркибида хорижий инвестор улуши мавжуд эмас, акцияларнинг энг юқори улуши 51 % бўлиб, у «Ўздонмахсулот» АЖга тегишли. Бу эса «Намангандонмахсулотлари» АЖнинг қарамлигини тасдиқлайди (2-жадвал, 2 расм).

2-жадвал

«Намангандонмахсулотлари» АЖнинг 2016-2019 йиллардаги асосий кўрсаткичлари таҳлили²⁶

№	Кўрсаткичлар	2017/2016 йй.		2018/2017 йй.		2019/2018 йй.	
		минг сўм	%	минг. сўм	%	минг сўм	%
1.	Соф активлар	-11983046	41	18693441	3,25 бар	12860971	148
2.	Соф тушум	12383630	117,3	21043894	125,1	71811522	168
3.	Соф фойда	-12860589	-	23815243	-	3204337	129



Манба: www.openinfo.uz.23.03.2021

2-расм. 2016-2019 йиллар ҳолатига «Намангандонмахсулотлари» АЖнинг асосий кўрсаткичлари²⁷

²⁵ Капитал бозори Агентлики Наманган бошқармаси маълумотлари. Сайт: www.openinfo.uz.23.03.2021.

²⁶ «Намангандонмахсулотлари» АЖ статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. 2016-2019 йй. www.openinfo.uz.23.03.2021.

2016-2019 йилларда «Намангандонмахсулотлари» асосий кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили натижаси 2017 йилда 2016 йилга нисбатан, соф тушумнинг 17,3 %га ошишига қарамай, активлар таркибида соф активлар 59 %га камайгани, зарар – 12860589,0 минг сўмни ташкил этгани, 2018 йилда соф активларнинг 3,25 марта, соф тушум ҳажмининг 25,1 %га ошиши, соф фойданинг 23815243,0 минг сўм миқдорда олишга кўмаклашди. 2019да соф активлар 2018га нисбатан 47,6 %га, соф тушум 68,4 %га ва соф фойда 29,3% га ошди. Бунда «Намангандонмахсулотлари» АЖнинг молиявий ҳолати барқарор эмас, деб хулоса қилиш мумкин.

Тадқиқот ишида эконометриканинг регрессион моделидан фойдаланилди. Регрессия модели битта боғлиқсиз ўзгарувчи ва бошқа боғлиқ ўзгарувчи орасидаги боғлиқликни ўрганади. Бироқ кўп ҳолларда ўрганилаётган натижа бир эмас, бир нечта омилларга боғлиқ бўлади. Шунинг учун бир нечта боғлиқсиз ўзгарувчиларга эга регрессион таҳлил муҳим аналитик восита ҳисобланади.

Жуфт регрессия модели қуйидаги тенгламма билан берилади²⁸:

$$Y_i = \alpha + \beta X_i + e_i, \quad (1)$$

Бу ерда α ва β параметрлар бўлиб, уларни энг қичик квадратлар усули ёрдамида баҳоланади (1) тенгламанинг баҳоси сифатида

$$y_i = a + bx_i + e_i, \quad (2)$$

тенгламани ўрганиш мумкин. Бу ерда a ва b мос равишда α ва β параметрларнинг қуйидаги нормал тенгламалар системасини ечиш орқали аниқланувчи баҳоларидир:

$$\begin{cases} na + b \sum_{i=1}^n X_i = \sum_{i=1}^n Y_i, \\ a \sum_{i=1}^n X_i + b \sum_{i=1}^n X_i^2 = \sum_{i=1}^n X_i Y_i. \end{cases} \quad (3)$$

Тўпلامли регрессия моделлининг адекватли текшириш учун қуйидаги детерминация коэффицентидан фойдаланилади.

$$R^2 = \frac{\sum_{i=1}^n (y_i - \bar{Y})^2}{\sum_{i=1}^n (Y_i - \bar{Y})^2}. \quad (4)$$

Бундай детерминация коэффиценти қанчалик 1 га яқин бўлса, олинган модель шунчалик адекват ҳисобланади. Регрессион анализнинг чизиқли моделидан ташқари, унинг чизиқсиз (чизиқсиз) ёки динамик моделларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Чизиқсиз моделлар ҳам баъзи молиявий активларни бошқаришда, акцияларнинг динамикасини таҳлил қилишда ҳам самарали усул

²⁷ www.openinfo.uz.23.03.2021


²⁸ Cheng-Few Lee, Hong-Yi Chen, John Lee Financial Econometrics, Mathematics and Statistics. Theory, Method and Application. New York: Springer. 2019, p.76-77

ҳисобланади. Чизиксиз бозор модели қуйидаги квадратик формула ёрдамида аниқланади:

$$y_i = a_0 + a_1x_i + a_2x_i^2 + e_i, \quad (5)$$

бу ерда a_0, a_1, a_2 лар параметрлардир.


«Намангандонмахсулот» АЖнинг 2016-2019 йиллардаги соф активларлар, соф тушум ва соф фойда кўрсаткичлари учун чизиксиз регрессия модели тузилди. Таҳлил натижасига кўра, қуйидаги моделлар ҳосил қилинди ва ўзаро қиёсланиб, мос моделлар танланди.



Манба: 2 -жадвал маълумотлари


3-расм. Соф активлар кўрсаткичи учун чизикли ва параболлик моделлари

Бу графикда детерминация коэффицентларини қиёслаш орқали «Намангандонмахсулотлари» АЖнинг 2016-2019 йиллардаги соф активлар кўрсаткичлари учун чизикли ва чизиксиз (параболлик) моделлар ўзаро қиёсланганда чизикли моделга нисбатан параболлик модель кўпроқ мос эканлиги аниқланди. Худди шундай эконометрик моделлар қиёсий графиклари қолган икки соф тушум ва соф фойда кўрсаткичлари учун ҳам ҳосил қилинди.



Манба: 2 жадвал маълумотлари

4-расм. Соф тушумлар кўрсаткичи учун чизикли ва параболлик моделлари



Манба: 2 жадвал маълумотлари

5-расм. Соф фойда кўрсаткичи учун чизиқли ва чизиқсиз (параболик) моделлари

«Намангандонмаҳсулотлари» АЖнинг 2016-2019 йиллардаги соф актив, соф тушум ва соф фойда кўрсаткичлари учун параболик (квадратик) чизиқсиз регрессион модели адекват ҳисобланади. Бу модель ёрдамида кейинги йиллар учун прогноз кўрсаткичларини ҳосил қилиш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

Эконометрик модель натижаларининг қиёсий жадвали²⁹

Кўрсаткичлар	Мос эконометрик модель тенгламаси	Детерминация коэффиценти
Соф активлар	$y = 6,211x^2 - 25054x + 35,507$	$R^2 = 0,872$
Соф тушумлар	$y = 14,857x^2 - 59913x + 61,571$	$R^2 = 0,9867$
Соф фойдалар	$y = 0,4852x^2 - 1952,8x + 25,206$	$R^2 = 0,9253$

«Намангандонмаҳсулотлари» АЖнинг 2016-2019 йиллардаги соф актив, соф тушум ва соф фойда кўрсаткичларидан фойдаланиб, кейинги 2021-2024 йилларгача бўлган прогноз кўрсаткичлари аниқланди (4-жадвал).

4-жадвал

«Намангандонмаҳсулотлари» АЖнинг 2021-2025 йилларгача бўлган прогноз кўрсаткичлари³⁰ (млн. сўм)

Йиллар	Соф актив	Соф тушум	Соф фойда
2021	50,97	227,13	24,78
2022	58,71	260,81	29,98
2023	66,45	294,49	35,17
2024	74,19	328,16	40,37

Агар «Намангандонмаҳсулотлари» АЖ фаолиятини такомиллаштириш буйича белгиланган тадбирлар ўтказилса, прогноз қилинаётган йиллар давомида барча кўрсаткичларнинг ошиб бориши кутилмоқда.

²⁹ Муаллиф томонидан 2-жадвал маълумотлари асосида тузилган.

³⁰ Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

Минтақадаги бошқа кўплаб акционерлик жамиятларининг ҳолати барқарор эмас. Листинг талабларига жавоб берувчи акциядорлик жамиятлари етишмаслиги минтақавий бозорнинг ривожланиш муаммоларидан биридир. Минтақавий бозорнинг қимматли қоғозларининг ликвидлилик масалалари ҳам бундан истисно эмас. Таъкидлаш мумкинки, 1999-2002 йилларда ҳудудий бозордаги корхоналарнинг ўртача бозор баҳоси республикадаги ўртача бозор баҳосидан юқори бўлган. Бу факт шу давр мобайнида «Тошкент» РФБда хорижий валютада амалга оширилган 7 та битимдан 4 таси «Наманган вилояти» АЖ билан амалга оширилганлиги билан изоҳланган эди³¹.

Вилоят фонд бозорини тугатилишини минтақадаги акционерлик жамиятлари сони камайтирилишидан ташқари, унинг инфратузилмаси йўқолиб бораётганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Ҳозирги кунда вилоятда консалтинг ва бошқарув компаниялари, инвестиция фондлари, брокерлик ва дилерлик компаниялари йўқ. Муаммолардан бири юқори малакали кадрлар, инвестицион воситачи ва маслаҳатчилар етишмаслигидир. Бу муаммони ҳал этиш учун тажрибали хорижий инвестиция воситачи ва маслаҳатчиларини жалб этиш орқали ҳудудий қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари малакасини ошириш, фонд бозорида иштирок этиш ва ушбу фаолият учун лицензиялар бериш жараёнини тартибга солиш зарур.

Асосий муаммолардан бири аҳоли даромадларининг паст даражасидир (6-расм).



Манба: 2020-2030 йилларда Наманган вилоятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодийтини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» ИТМ,- 2020. –184б.,- 16- б.

6-расм. Наманган вилояти аҳолиси даромадлари таркиби

Шундай қилиб, «2020-2030 йиллар давомида Наманган вилоятини ривожлантириш концепцияси»ни ишлаб чиқиш давомида ИТМ томонидан ўтказилган тадқиқотларда вилоят аҳолиси даромадидаги энг катта улуш қишлоқ хўжалиги томонидан эгалланганлигини аниқланди – 28,5 %, хизматлар – 13,0 %, бошқа даромад ва пул ўтказмалари – 34,8 %, таълим ва соғлиқни

³¹ Кадилова Х.Т. Финансовый рынок и его совершенствование. Монография. – Наманган: «Ибрат», – 2005. – С.-25.

сақлаш – 10,1 %. Ишлаб чиқаришдан олинган даромад улуши анча пастлигини, норасмий даромад улуши юқори бўлиб – 55,2 % ни ташкил этди. Қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг даромадларида ҳам фарқлар мавжуд.

Шаҳар аҳолиси, қишлоқ аҳолисига нисбатан, пул ўтказмалари ва уй-жой ижарасидан олинадиган даромадлар ва бошқалар даромадларнинг устун улушига эга. Сўнгги йилларда ўртача иш ҳақи 1229,567 сўмдан 1669,000 сўмгача ошди, унинг ўсиши 37,6 %ни ташкил этди. Шу билан бирга, ўртача ойлик пенсия 56 %га, аҳолининг умумий даромади эса 56,5 %га камайди. Маиший сарфлар 6,9 %га ошди³². Бу эса маҳаллий аҳолининг инвестиция салоҳиятининг пастлиги ҳақида хулоса чиқаришга олиб келади.

Умумий бошланғич жойлаштириш – ҳозирги босқичда, фонд бозорини фаоллаштириш учун, IPO битимлар акциялар билан операциялар учун қўлланилади. Бу йўналишда жаҳон тажрибасини кўриб чиқилса, унинг муваффақиятли қўлланишини қайд этиш мумкин (5-жадвал).

5-жадвал

Фонд бозори тарихидаги энг йирик IPO битимлари³³

№	Компания номи	Жалб этилган сармоя ҳажми	Фаолият соҳаси
1.	Alibaba (Китай)	25 млрд. АҚШ дол	Интернет савдоси
2.	VISA (США)	17,9 млрд. АҚШ дол	Тулов тизими
3.	Enel S. p. A (Италия)	16,5 млрд. АҚШ дол	Электроэнергетика
4.	Facebook (США)	16,0 млрд. АҚШ дол	Ахборот технологиялари
5.	General motors (США)	15,8 млрд. АҚШ дол	Автомобиль саноати
6.	DeutscheTelekom (Германия)	13,0 млрд. АҚШ дол	Телекоммуникации
7.	AT & T Wireless (США)	10,6 млрд. АҚШ дол	Телекоммуникации
8.	Kraft Foods (США)	8,7 млрд. АҚШ дол	Озик-овкат саноати
9.	FranceTelecom (Франция)	7,3 млрд. АҚШ дол	Телекоммуникации
10.	Telstra (Австралия)	5,6 млрд. АҚШ дол	Телекоммуникации

5-жадвалга кўра, IPO битимлар компанияларга қўшимча капитални жалб этиш имконини берди, бу уларнинг янада ривожланишига ҳисса қўшди.

Республикада «Кварц» АЖ акциялари билан IPO операциялари режалаштирилган эди. Қайд этиш мумкин, уларни ўртача нархи 3040 сўмдан 5000 сўмгача ошди, ўсиш 64 %ни ташкил этди.

Очиқ дастлабки акциялар оммавий жойлаштирилган навбатдаги корхона «Жиззах пластмасса» АЖ ҳисобланади, унинг 2014-2020 йиллар бўйича ўз сармояси ва активларнинг ўзгариш динамикасини 6-жадвалда кузатиш мумкин.

«Жиззах пластмасса» АЖ акцияларининг қўшимча жойлаштирилиши натижасида 2014-2020 йиллар давомида барча кўрсаткичлар ҳажми ошиши кузатилмоқда, 2016 йил бундан истисно. 2016 йилда активлар 4 128,76 млн.

³² 2020-2030 йилларда Наманган вилоятини ривожлантириш концепцияси. – Т.,ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» ИТМ, – 2020. – 184 б., – 16-б.

³³ ИП ООО «Freedom Finance» (Ўзбекистан) компанияси ҳисоботи маълумотлари. <https://ffin.ru/about/company/us/68889/>

сўмга камайди. Корхонани ўз сармоясининг энг юқори ўсиши 2017 йилда кузатилди (деярли 5 баробар).

6-жадвал

«Жиззах пластмасса» АЖ 2014-2020 йиллар бўйича ўз сармояси ва активларнинг ўзгариш динамикаси³⁴ (млн. сўм.)

№	Кўрсаткичлар		Ўз сармояси		Активлар		
	Йиллар	факт	Ўтган йилга нисбати		факт	Ўтган йилга нисбати	
			+, -	%		+, -	%
1.	2014	1735,84	-	-	18129,8	-	-
2.	2015	2363,92	628,08	136,2	21458	3328,17	118
3.	2016	3589,25	1225,33	151,8	17329,2	-4128,8	80,8
4.	2017	17790,01	14200,76	495,6	30435,2	13106	176
5.	2018	35313,12	17523,11	198,5	46903,7	16468,5	154
6.	2019	39086,46	3773,34	110,7	56295,2	9391,43	120
7.	2020	44184,49	5098,03	113	56752	456,88	101

Соф тушум ва соф фойда ошиши натижасида АЖ учун дивидендлар тўлаш миқдори ошиши кузатилди. Муаллифнинг фикрича, бу тажрибадан Наманган вилоятида ҳам фойдаланиш зарур.

7-жадвал

2014-2020 йиллар учун «Жиззах пластмасса» АЖ учун соф тушум ва соф фойданинг ўзгариш динамикаси³⁵ (млн. сўм.)

№	Кўрсаткичлар		Соф тушум		Соф фойда		
	Йиллар	факт	Ўтган йилга нисбати		факт	Ўтган йилга нисбати	
			+, -	%		+, -	%
1.	2014	8709,7	-	-	451,93	-	-
2.	2015	12257,46	3547,76	140,7	510,31	58,38	113
3.	2016	21818,64	9561,18	178	1368,1	857,79	268
4.	2017	36317,27	14498,63	166,5	11902,5	10534,4	870
5.	2018	38672,04	2354,77	106,5	6756,99	-5145,5	56,8
6.	2019	39915,6	1243,56	103,2	3355,7	-3401,3	49,7
7.	2020	57300	17384,4	143,6	4329,99	974,27	129

2020 йил 30 сентябрь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси қарз қимматли қоғозлар бозорида 4 эмитентнинг 10 та инструменти мавжуд бўлган. Наманган вилоятида ушбу восита 2020 йил 17 ноябрда 2000 дона корпоратив облигация чиқариш учун умумий суммаси 2 млрд. сўмлик, 1,0 млн.сўмлик номинал нархда ООО «CHUST RIR MIKROKREDIT TASHKILOT» томонидан рўйхатдан ўтказилди. Бу эса вилоятда қимматли қоғозлар турлари бўйича таклиф пастлигини ифодалайди. Вилоятда банк кредитларига альтернатив восита ҳисобида корпоратив облигациялар бозорини ривожлантириш, шу билан

³⁴ ИП ООО «Freedom Finance» (Ўзбекистан) компаниясининг ҳисоботидан олинган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган. <https://ffin.ru/about/company/us/68889/>

³⁵ Ўша жойда.

бирга маҳаллий бюджетларга қўшимча маблағ жалб этиш имконини берувчи муниципал облигацияларни жорий этиш лозим.

Наманган вилояти ҳудудий молия бозорини ривожланишининг асосий камчилиги – унинг ҳудудий бозорлар ривожланмагани боис, акциялар олди-сотдисининг асосий ҳажми Марказ – республика пойтахтига тўғри келиши билан изоҳланади. Минтақавий молия бозорининг ривожланиши тартибсиз, узвий эмаслиги билан характерлидир. Молия бозори инфратузилмаси ривожламаганлиги бу инвестиция воситачилари, маслаҳатчилари, бошқарув компаниялари, рейтинг агентликлари ва бошқа профессионал иштирокчилар этишмаслигини қайд этиш мумкин. Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг профессионал маҳорати ва тажрибаси пастлиги билан изоҳланади.

Таҳлилларга кўра, вилоятда акциядорлик жамиятлари сони кескин камайиб бориши кузатилади. Натижада қимматли қоғозлар чиқариш ҳажми камайиши, бирламчи ва иккиламчи бозор айланмасиг пасайишига олиб келмоқда. Минтақавий акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлари инвесторлар учун паст ликвидли ва қизиқарли эмас. Маҳаллий акциядорлик жамиятлари молиявий кўрсаткичлари листинг талабларига жавоб бермагани учун «Тошкент» РФБ рўйхатига киритилмаган

Диссертациянинг «**Молия бозорининг ривожланиш истиқболлари ва концепцияси**» номли тўртинчи бобда, назарий ва амалий билимлар таҳлил қилиниб, молия бозорининг ривожланиш концепцияси шакллантирилди. Муаллифнинг фикрича, молия бозорининг ҳуқуқий доирасида баъзи ўзгаришларни амалга ошириш керак: ички ва хорижий инвесторларни янада жалб этиш учун АЖни бошқаришда ўз ҳуқуқларига риоя қилиш ва дивидендларни кафолатлаш имконини берувчи қонунчилик базасини мустаҳкамлаш керак; «Акциядорлик компаниялари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонунга ўзгартиришлар киритиш ва АЖ бошқариш билан боғлиқ турли масалалар муҳокама соҳасида миноритар инвесторлар ҳуқуқларини кенгайтириш; янада стратегик аҳамиятга эга бўлмаган АЖ учун инвестор ўз улушига чекловларни олиб ташлаш орқали хорижий инвесторларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш ва халқаро стандартларга уларни мослаштириш; корпоратив бошқарув стандартлари ва корпоратив кодексини ишлаб чиқиш, минтақавий молия бозори инфратузилмасини янада такомиллаштириш, акционерлик жамиятларига хорижий капитални жалб этиш, ташқи савдо майдончаларида ички қимматли қоғозларнинг айланишини; Марказий қимматли қоғозлар депозитарийси фаолиятида ислохотларни амалга ошириш жараёнида техник ва молиявий ресурсларни жалб этиш, бошқариш ва қарор қабул қилишда фаолликни таъминлаш учун «Марказий қимматли қоғозлар депозитарийси» давлат корхонасини акциядорлик жамиятига қайта ташкил этиш таклиф лозим.

Таклифлар асосида қуйидаги натижаларга эришилади: молия бозори иштирокчиларининг молиявий харажатларини камайитириш, тўлов тизими сифатида Марказий қимматли қоғозлар депозитарийсини ривожлантириш, ўзаро ҳисоб-китобларда хатарларни камайитириш, халқаро стандартларга риоя қилиш ва профессионал фаолиятни такомиллаштириш; ички қимматли

қоғозларга талабни рағбатлантириш учун қуйидагилар зарур: инвесторлар учун инвестицион муҳитни яхшилаш, суғурта компаниялари, пенсия фондлари, инвестиция фондлари сингари институционал инвесторлар улушини ошириш; аҳолининг иқтисодий саводхонлигини янада ошириш ва жозибатор солиқ режимини яратиш, инвесторлар ҳуқуқларига риоя қилиш масъулиятини ошириш, инвестицион рискларни камайтирувчи янги суғурта воситаларини яратиш зарур; молиявий бозор таклифларининг янада ошиши учун қуйидагилар: янги молиявий воситалар шакллантириш, хусусийлаштириш жараёнини давом эттириш, молия бозорида таъминлаш, барча маълумотларни жойлаштириш жараёнларининг шаффофлиги, фонд биржасида листинг тартибини такомиллаштириш, солиқ имтиёзларни жозибатор афзалликларни йўлга қўйиш зарур.

ХУЛОСА

Диссертацион тадқиқот натижалари асосида қуйидаги илмий хулосалар шакллантирилди:

1. Молия бозори молиявий ресурслар ҳаракатини ифодаловчи иқтисодий муносабатларни амалга оширувчи ҳамда қайта тақсимлаш жараёнини амалга ошириш билан шуғулланувчи молиявий оқимлар, миллий иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

2. Муаллифнинг фикрича, молия бозорининг ҳудудий асоси, инвестиция шаклининг иқтисодий моҳияти, мулкчилик шакли, молиявий воситаларнинг келиб чиқиши ва ташкилий асослари бўйича таснифлаш мақсадга мувофиқ.

3. Муайян мамлакатнинг қимматли қоғозлар бозори, суғурта бозори, пул ва капитал бозорига мос келувчи бозор моделини аниқлаш асосий аҳамиятга эга, чунки у бозорни тартибга солиш, ривожлантиришни бошқаришни ташкил этишни ифодалайди. Миллий моделни нотўғри талқин қилиб, бозорни тартибга солишга уринишлар муқаррар равишда бозорнинг пул ресурсларини қайта тақсимлашнинг асосий вазифасини бажариш имкониятига жиддий зарар етказди.

4. Минтақавий молия бозорини шакллантиришдаги асосий камчиликлардан бири марказий бошқарувга ортикча эътибор берилгани, минтақавий бозорларнинг ривожланишини ортга суриб юборди.

5. Вилоятда инвестиция ва молиявий инфратузилма ривожланмаганлиги айтилиши ҳақиқатдир. Муаммони бартараф этиш учун лизинг, факторинг ва бошқариш инвестиция компаниялари, брокерлик, консалтинг, маркет-мейкерлик, андеррайтинг ва трансферт агент фирмалари, рейтинг ва кўчмас мулк агентликлари, фонд, суғурта ва ҳуқуқий марказларни ташкил этиш кечиктириб бўлмайдиган масалалар ҳисобланади.

6. Инвестиция қилинган маблағлардан барқарор даромад олишга ёрдам берувчи суғурта компаниялари ва пенсия фондларининг инвестицион фаоллигини ошириш зарур. Суғурта компаниялари мажбурий суғурта турларининг улуши 50 %дан ортик бўлган ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш керак. Ихтиёрий суғурта турлари ҳажми мажбурий суғурта турларидан ошиб кетган суғурта хизматларидан унумли фойдаланиш

зарур. Умумий суғурта мукофотларида ҳаёт суғуртаси хизматлари улушини ошириш, молия муассасалари жавобгарлигини ошириш суғуртаси, бошқарув ходимларининг акциядорларга жавобгарлигини суғурталашдек янги ривожланаётган мамлакатларга хос суғурта турларини жорий этиш талаб этилади.

7. Шаклланган минтақавий инвестиция ва молиявий инфратузилманинг муҳим элементи ҳудудий фонд марказлари бўлиши керак, унинг таркибида ҳудудий молия бозорларининг маркетинг бўлимларини очиш мақсадга мувофиқ. Улар ёрдамида молия бозорининг институционал ва функционал шаклланиши жараёнини йўлга қуйиш, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ўртасидаги капитал оқимини шакллантириш ва аҳолининг вақтинча бўш турган пул маблағларини миллий иқтисодиётнинг реал тармоқларига йўналтириш зарур.

8. Тегишли ваколатларга эга бўлган ҳолда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги молия бозорини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб этиш бўйича ихтисослаштирилган бўлинишни ташкил этиш лозим. Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши керак: вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган молия бозорини ривожлантириш ҳудудий дастурининг қабул қилиниши; қимматли қоғозларни муомалага чиқариш истиқболларини ишлаб чиқиш, бирламчи ((IPO) ва иккиламчи (SPO) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган жамиятларининг акциялари давлат таклифи шартларини белгилаш лозим, «минтақавий молия бозорини ривожлантириш» дастурини амалга ошириш учун йўл хариталарини ишлаб чиқишда юқоридаги талабга амал қилиш; ҳудудий молия бозорларини ривожлантиришни рағбатлантирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича юқори органларга таклифлар киритиш; молиявий саводхонликни ошириш билан боғлиқ мутасадди ташкилотлар билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, молиявий хизматлар ва маҳсулотлар, жумладан, капитал бозори ва молиявий воситалар билан танишиш орқали аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш; молия бозорининг ахборот шаффофлигини таъминлаш эмитентлар ва энг даромадли, ликвид воситалар ҳақидаги маълумотларни тарқатишда оммабопликка асосий эътибор қаратиш.

9. Молия бозорини ривожлантириш бўйича давлат концепциясини ишлаб чиқиш ва қонунчилик билан қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон минтақавий иқтисодиётини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг асосини ташкил этиши лозим.

10. Вилоят қимматли қоғозлар бозорида ахборот шаффофлиги даражасини таъминлашни асосан барча манфаатдор томонларнинг қимматли қоғозлар бозори тўғрисида ахборот олиши учун тенг шароитлар яратиш орқали амалга ошириш мумкин. Бунга қуйидагилар кўмаклашиши лозим: қимматли қоғозлар бозоридаги вазиятни баҳолаш имконини берувчи ягона индекслар тизимини жорий этиш; ишончсиз ва бевақт ахборотни тақдим этиш масъулиятини мустаҳкамлаш; ҳудудий қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари фаолиятини ахборот билан таъминлашнинг ягона тизимини шакллантириш. Шу муносабат билан эмитентлар фаолиятининг ахборот ошкоралигини таъминлаш бўйича миллий стандартларни ишлаб чиқиш зарур. Бу ахборотни ошкор қилишнинг

тўлиқлиги, уни тарқатиш тезлиги, аниқлик, таққосланувчанлик ва инвесторларга тақдим этилган маълумотларнинг ҳақиқий аниқлиги тамойилларига асосланган бўлиши керак.

11. Банк соҳасини фаоллаштириш ва фонд бозорининг ахборот шаффофлигини ошириш билан бирга Наманган вилояти молия бозорининг инвестицион жозибadorлик даражасини оширишнинг самарали воситаларидан бири рақобат муҳитини шакллантиришдир. Турли мулкчилик шаклидаги корхоналар ўртасидаги рақобат даражасини ошириш молиявий ресурслар ҳаракати самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади, чунки у кредит ва валюта ресурслари, давлат ва корпоратив қимматли қоғозларга бўлган талабни оширади.

12. Минтақавий молия бозори инфратузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади: акциядорлик жамиятларига хориж капиталини жалб этиш, ташқи савдо майдончаларида ички қимматли қоғозларнинг айланишини таъминлаш; Марказий қимматли қоғозлар депозитарийси фаолиятида ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида техник ва молиявий ресурсларни жалб этиш, шунингдек, бошқарув ва қарор қабул қилишда ҳаракатчанликни янада таъминлаш учун «Марказий қимматли қоғозлар депозитарийси» давлат корхонаси шахсида потенциал акциядорлар – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, фонд ва валюта биржалари, инвестиция воситачилари, шунингдек, хорижий капитал бозорларида асосий иштирокчи бўлган хорижий инвесторларни кўрсатган ҳолда акциядорлик жамиятига қайта ташкил этиш таклиф этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 03/10.12.2019. I.16.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

КАДИРОВА ХАДИЧА ТУРАЕВНА

**КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ
ФИНАНСОВОГО РЫНКА УЗБЕКИСТАНА
(на примере Наманганской области)**

08.00.07 – Финансы, денежное обращение и кредит

АВТОРЕФЕРАТ
докторской (DSc) диссертации по экономическим наукам

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей Аттестационной Комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.2(DSc)/Iqt235.

Диссертационная работа выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tsue.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziyo.net).

Научный консультант:	Жумаев Нодир Хосиятович доктор экономических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Гулямов Саидахрор Саидахмедович доктор экономических наук, академик Сатторов Одилжон Бердимуратович доктор экономических наук, доцент Урмонов Жахонгир Жалолиддинович доктор экономических наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентский филиал Российского экономического университета им. Г.В.Плеханова

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.3/10.12.2019.I.16.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном экономическом университете. Адрес: 100066, г.Ташкент, ул. Ислама Каримова, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tsue.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного экономического университета (регистрационный №____). Адрес: 100066, г. Ташкент, улица Ислама Каримова, д. 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-01-49. факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tsue.uz.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года.

(протокол реестра №__ от «__» _____ 2021 года).

К.Б. Ахмеджанов

Заместитель председателя научного совета по присуждению научных степеней, д.э.н., профессор

Б.Т. Бердияров

Ученый секретарь научного совета по присуждению научных степеней, д.э.н., доцент

С.К. Худойкулов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.э.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (DSc) наук)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В последнее столетие социально-экономическое развитие человечества характеризуется усилением роли финансовых отношений в мировом хозяйстве и национальной экономике. На сегодняшний день наибольшая доля финансового рынка распределена между несколькими странами. Среди них крупнейшими являются самые могущественные страны мира, такие как Соединенные Штаты (40 %), Япония (8 %), Китай (7 %), Гонконг (7 %), Великобритания (4 %), Франция (3 %), Германия (3 %) ¹. Самые сильные потрясения и кризисы в мировой экономической жизни тесно связаны с дисбалансами в деятельности финансовых рынков. В связи с этим развитие финансового рынка, его организация и регулирование рассматриваются как чрезвычайно важная задача во всех странах. Финансовый рынок способствует финансированию экономического роста, увеличению притока капитала, достижению макроэкономического равновесия и повышению инвестиционной активности хозяйствующих субъектов. В связи с этим возникает необходимость широкого участия в мобилизации средств финансового рынка, а также эффективного их использования.

В мировой практике для покрытия дефицита государственного бюджета широко используется опыт привлечения финансовых средств путем выпуска государственных и муниципальных облигаций. В инфраструктуре финансового рынка продолжается процесс использования новых финансовых инструментов и услуг, улучшения торгового механизма фондовых бирж. В целях охвата определенной аудитории населения широко используются процессы расслоения инвесторов по доходам для привлечения их инвестиций и повышения привлекательности финансовых инструментов эмитентов.

Вопросы связанные с повышением эффективности использования регионального финансового рынка, развитием эффективной системы контроля и регулирования финансового рынка, повышением ликвидности финансовых инструментов и расширением их ассортимента, снижением связанных с ними рисков, повышением уровня финансовой грамотности населения, занимают особое место. Особое значение имеют исследования проводимые во время кризисов, связанные с решением быстрых перемещений, необходимости предотвращения будущих кризисов, смягчения последствий пандемии, процессами рыночной интеграции.

В Узбекистане принимаются масштабные меры по дальнейшему совершенствованию процесса развития региональных финансовых рынков, расширению объёма финансового рынка. Отмечено: «...на региональном уровне инфраструктура рынка капитала совершенно не развита» ², в связи с этим определены важные задачи. В частности, создать условия для диверсификации доходов, получаемых населением от финансовой деятельности с использованием регионального финансового рынка, повысить инвестиционную

¹ <https://tadqiqot.uz/wp-content/uploads/2019/07/iqtisod-2019-03/54-60.pdf>

² Указ Президента Республики Узбекистан №-6207, 13.04.2021 <https://lex.uz/docs/5371091> 20.04.2021

привлекательность ценных бумаг региональных эмитентов, внедрить новые финансовые инструменты в целях внебюджетного финансирования региональных программ для органов местного самоуправления и создать условия для их эмиссии, составить прогнозы экономической эффективности реализации региональных программ, дальнейшее расширение деятельности страховых компаний по внедрению новых видов страховых услуг.

Данное диссертационное исследование в какой то степени служит выполнению задач, поставленных в решениях таких нормативно-правовых актах, как Указы Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017 года за №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 14.01. 2019 года за №УП-5630 «О мерах по коренному совершенствованию системы управления государственными активами, антимонопольного регулирования и рынка капитала», от 13.04. 2021 года №УП 6207 «О мерах по дальнейшему развитию рынка капитала», от 24.01.2019 года за №УП-4127 «Об организации деятельности агентства по развитию рынка капитала Республики Узбекистан» и постановлений от 29 апреля 2019 года за №ПП-4300 «О мерах по дальнейшему совершенствованию механизмов привлечения прямых иностранных инвестиций в экономику республики», от 13 апреля 2021 года, за №ПП-5073 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы регулирования рынка капитала».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики «I. Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации³. Теоретико-методологические исследования, направленные на определение методологических основ финансового рынка, создание достаточных предпосылок для его дальнейшего развития, а также системной оценки его эффективности проводились ведущими научными центрами мира, высокорейтинговыми высшими учебными заведениями. В частности, исследования в этом направлении проводились в Deposit Insurance Corporation, Office of the Comptroller of the Currency, Development Research Group, World bank, Office of Financial Research, U.S. Department of the Treasury, International Monetary Fund, University of Chicago, Harvard University (США), University of Cambridge (Великобритания), Wageningen University and Research (Нидерландия), Waseda University (Япония), Keimyung University (Южная Корея), Nanyang Technological University (Сингапур), Tsinghua University (Китай), экономическом университете имени Плеханова (Россия).

В ходе проводимых в мире научных исследований по совершенствованию концептуальных основ финансового рынка были получены определенные научные результаты, в частности: изучена методология обеспечения

³ <https://www.rea.ru/ru/org/managements/unitscires/Pages/lidksafr.aspx>, <https://www.harvard.edu>; <https://www.cam.ac.uk>; <https://www.wur.nl>; <https://www.waseda.jp>; <http://www.kmu.ac.kr>; <https://www.ntu.edu.sg>; <https://www.tsinghua.edu>, <https://www.rea.ru/ru/pages/research.aspx> © ФГБОУ ВО «РЭУ им. Г.В. Плеханова», <https://fundamental-research.ru/ru/article/view?id=3486> 05.02.21 год.

стабильности банковской системы посредством страхования депозитов (Development Research Group); разработаны индикаторы финансовой стабильности, которые включают такие показатели, как достаточность капитала, качество активов, прибыльность и рентабельность, ликвидность и валютный риск (International Monetary Fund); определены направления и тенденции развития по совершенствованию корпоративного управления (Waseda University Университети); обоснованы свойственные особенности аспектов медицинского страхования в финансировании сектора здравоохранения (Nanyang Technological University); определены методы использования финансовых инструментов при финансировании секторов экономики и крупномасштабных проектов (Tsinghua University); количественные методы оценки развития регионального финансового рынка разработаны в Российском экономическом университете имени Г.В. Плеханова. Примечателен тот факт, что они проводили исследования методологических основ финансового рынка, его проблем и решений с учетом региональных аспектов.

В мире ведётся ряд научных исследований объектом которых являются совершенствование методологических, научно-теоретических и практических основ формирования и развития финансового рынка, в частности в следующих приоритетных направлениях: содействие эффективности и прозрачности финансовых рынков, обеспечение уровня финансовой грамотности населения, разработка эффективной системы надзора и регулирования финансового рынка, снижение рисков на финансовом рынке, разработка концепций его развития и др.

Степень изученности проблемы исследования. Особенности и теоретические аспекты организационно – экономических механизмов региональных финансовых рынков были изучены в ряде исследований ученых. В частности, из стран дальнего зарубежья можно отметить таких ученых, как: G.Bannock, U.Butler, P. Frydman, M.Gashi-Butler, C.Gray, J.Gitman, M.Hessel, R.Vishna, D.Junk, G.Joel, J.Lawrence, W.Manser, D.Michael, R.Merton, P.Porta, V.Raymon, A.Rapaczynski, D.Siegel, J.Shim, P.Rose, V.Taylor⁴. Так Джоэл. Г. Сигел и Джей К. Шим подробно изложили основные положения по оценке акций и облигаций, утверждая то, что: «Оценивая ценные бумаги, мы определяем ценность (или стоимость) их активов»⁵.

Из стран Содружества Независимых Государств можно отметить таких учёных, как А.Басова, А. Бахрамов, Л.Белых, А.Булатов, В.Видяпин, В.Галанов, В.Глухов, А.Добрынин, Г.Журавлева, А.Захаров, А.Карпушкина, Е.Киселева, В.Ковалев, А.Константинов, А.Костиков, В.Миловидов, Д.Михайлов, Я.Миркин, А.Петров, А.Радыгин, Б.Раймон, Б.Рубцов, Л.Тарасевич, М.Чепурин

⁴ Bannock G., Manser W. The Penguin International Dictionary of Finance. L., – 1990, – p.-184.; Butler U. E., Gashi-Butler M. E. Corporations and securities under the law of Russia and the USA. – М.: «Zertsalo», – 1997, – с.54-55; Frydman R., Gray C., Hessel M., Rapaczynski A. Private Ownership and Corporate Performance: some Lessons from Transition Economies. N.Y.: New York University, 1997. – NYU Working Paper 9827. – 75 p. Global Financial Stability Report. Wash.: IMF, March December Lawrence J. Gitman, Michael D. Junk. Fundamentals of investing. – М.: Delo, 1997. С.-41; Merton R. Financial Innovation and the Management and Regulation of Financial Institutions. NBER Working Paper 5096. Cambridge, Mas., April, – 1995; Finney R. N.Y., Munich, 1995, p.38; <http://www.bawe.de/>; Joel. G. Siegel and Jay K. Shim. «Financial management». – М.: «Filin», 1997., – p-155, Peter S. Rose. Bank management. – М.: Delo, 1997. – С.3-5.

⁵ Joel. G. Siegel and Jay K. Shim. Financial management. – М.: Filin, 1997. – p. 155.

и другие⁶. Я.М.Миркин отметил: «Рынки ценных бумаг являются одним из ключевых механизмов привлечения денежных ресурсов на цели инвестиций, модернизации экономики, стимулирования роста производства. Вместе с тем, как показывает опыт многих десятилетий, мировые рынки ценных бумаг могут быть источниками масштабной финансовой нестабильности, макроэкономических рисков и социальных потрясений»⁷.

Исследования направленные на изучение особенностей организационно-экономического механизма формирования и развития национального финансового рынка были рассмотрены в исследованиях таких отечественных ученых, как: И.Бутиков, Ш.Гафуров, А.Вахобов, Н.Жумаев, Р.Карлибаева, Т.Маликов, О.Олимжонов, Д.Рахмонов, О.Б.Сатторов И.Сирожиддинов, Б.Ходиев, Б.Ташмурадова, С.Элмирзаев, А.Улмасов, В.Чжен, М.Шарифходжаев, Ш.Шохъазамий⁸ и др.

И. Бутиков научно обосновал понятия, связанные с финансовым рынком и дал основные характеристики ценных бумаг. Ш.Шохъазамий рассмотрел модели развития финансового рынка, О. Сатторов разработал методологию учета рисков при оценке рентабельности капитала для рейтингового агентства, И.Сирожиддинов и Д.Рахмонов обосновали значение качественного управления

⁶ Белых Л.П. Основы финансового рынка. – М.: Финансы, 1999. – С.14., Булатов А.С. Экономика. – М.: БЕК, 1999. – 436 с.; Глухов В.В., Бахрамов Ю.М. Финансовый менеджмент. – СПб.: Специальная литература, 1995.С.- 109.; Видяпин В.И., Добрынин А.Н., Тарасевич Л.С. Политическая экономика. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский государственный университет экономики и финансов, Изд-во «Питер», 2000. – С.382-383.; Журавлева Г.П. Экономическая теория. – М.: Инфра-М., 1997.-с. 443. Галанова В.А., Басова А.И. Рынок ценных бумаг. – М.: Финансы и статистика, 1996. – 170 с.; Видяпин В.И., Журавлева Г.П. Экономическая теория. – М.: ИНФРА-М, 1997. – 443 с.; Галанов В.А. Рынок ценных бумаг. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 191 с; Карпушкина А.В. Рынок ценных бумаг в условиях переходной экономики России. Автореферат диссертации на соискание уч. ст. к.э.н. Института экономики Уральского отделения Российской академии наук, 1999, – с.-99. Ковалев В.В. Введение в финансовый менеджмент. – М.: Финансы и статистика, 2000. – С. 46.; Константинов А.В. Теория и опыт зарубежных стран в сфере финансового регулирования и их применение в Российской системе. <https://fundamental-research.ru/ru/article/view?id=3486> 5.02.21. Миркин Я.М. Ценные бумаги и фондовый рынок. – М.: Перспектива, 1995; Миркин Я.М. Российский рынок ценных бумаг: влияние фундаментальных факторов, приоритеты и механизм развития. Диссертация и автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. 2003. Сайт: <https://www.dissercat.com/content/rossiiskii-rynok-tsennykh-bumag-vliyanie-fundamentalnykh-faktorov-prioritety-i-mekhanizm-raz.>; Рубцов Б.Б. Мировые фондовые рынки: проблемы и тенденции развития. Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Москва: Финансовая академия при правительстве Российской Федерации. 2000. – С.18.; Петров А.А. Математические модели экономического переходного периода. Тезисы докладов научной сессии «Проблемы прикладной математики и информатики – 2000». – М.: Вычислительный центр Российской академии наук, 2000., -с -14.; Барр Раймон Политическая экономия. – М.: Международные отношения. 1995. – с.-319; Чепурин М.Н., Киселева Е.Л. Курс экономической теории. – Киров: Издательство «Аса», МГИМО МИД РФ, 1998. – С.394-396.

